САЙЛОВЛАР — ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»НИНГ ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАРИ 3-4-5-бетлар
КОЛЛЕЖНИНГ ЯНГИ БИНОСИ 7-бет
ҚИНҒИР ИШНИНГ УМРИ ҚИСҚА 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 194 (10.249) / 2004 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Орзу ош тузи» шўъба корхонасида «Аёл ва қонун» мавзуида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги «Ўқчи» маҳалласида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан маҳалла фаолларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда «Ўқчи» маҳалласининг кам таъминланган оилаларида истиқомат қилаётган 10 нафар болажонларга ўқув қуроллари, кийим-кечаклар тухфа қилинди.

● **ЭРТАГА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида қизлар иштирокида синхрон сузиш бўйича шоу турнир бўлиб ўтади. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маркази, Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликларида уюштирилмоқда.

● **БУГУН** Шайхонтохур туманидаги Олим Хўжаев номидаги маҳаллада бўлиб ўтган ҳуқуқий тарғибот тадбири «Ўсмир ва қонун» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Конференцияни Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Р.Қосимов очди.

Ўзбекистонда демократияни ўрнатиш қатъий йўлга тушган, уни орқага қайтариб бўлмайди. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили изчил амалга оширилмоқда, деб таъкидлади Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов. Бугунги кунда мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа—сайловлар арафасида турибди. Юртимизда биринчи марта икки палатали парламент шакллантирилади. Сайлов кампаниясида барча сиёсий партиялар қатнашаётгани рақобат муҳитини яратмоқда. Шу боис замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, улар амалдаги қонунчилик ва халқаро меъёрлар талабларига жавоб бериши керак. Қонунга асосан сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига сайлов кампаниясининг ташвиқот-реклама ва ахборот таъминоти учун тенг ҳуқуқ берилган, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имконият яратилган.

Инсоният тараққиётининг ютуқларидан бири жамиятда қонун устуворлиги йўлга қўйилганлигидир,— деди Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. 26 декабрда сайловлар демократия руҳида ўтиши учун тегишли қонунчилик базаси яратилган, унда сайлов кампанияси тўла ошкоралик асосида ташкил этилиши таъминланган. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини ошкора ва очиқ олиб боради. Барча тадбирларда сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари, халқаро ташкилотлар кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиздаги демократик сайловларда фақат овоз бериш яширин, қолган ҳамма жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарент ҳолда ўтади,— деди ўз сўзида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев. Барча вилоятларда Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказлари ташкил этилган, улар сайлов кампаниясининг бориши ҳақида тезкор ахборотни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланмоқда. Расман мурожаат қилган ҳар бир журналист, мамлакатимиз ёки хориж, давлат ёки мустақил оммавий ахборот воситаси вакили бўлишидан қатъи назар аккредитациядан ўтказилади.

## ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

**«Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этик жиҳатлар» — Ўзбекистонда бўлғуси сайловларга бағишланган навбатдаги халқаро конференция шундай деб аталади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бошланган анжуман Марказий сайлов комиссияси, Сиёсий тадқиқотлар институти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конференцияда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий дипломатлар, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Украина, Жанубий Кореядан экспертлар ва сайлов технологиялари бўйича мутахассислар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирок этмоқдалар.**

Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг кўпайиши демократиянинг ёрқин кўринишларидан биридир. Олий Мажлисга биринчи сайловлар ўтказилган 1994 йилда мамлакатимизда 475 оммавий ахборот воситаси бор эди. Парламентга иккинчи сайлов ўтган 1999 йилда эса уларнинг сони 686 тага етди. Бугун республикамизда 928 оммавий ахборот воситаси, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Уларнинг салмоқли қисми нодавлат ОАВдир. Сайловлар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида яқинда Интернет тармоғида Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти очилди (www. elections.uz). Ундан ҳозиргача бутун дунёдан 12 мингдан ортиқ киши фойдаланди. Телевидение орқали мунтазам равишда сайловларнинг янги қоидаларини аҳолига тушунтирувчи ахборот-материаллари берилмоқда. Тез орада барча ҳудудлар билан телекўприклар ва сиёсий партиялар вакилларининг телемунозаралари ташкил этилади.

Давоми. 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон телерадиокомпанияси Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиллик сессияда Осиё ва Тинч океани мамлакатлари телерадио ташкилотлари ассоциациясига аъзоликка қабул қилинди.**

● **Бухорода «Бухоротурист» акционерлик жамияти ва Германиянинг «Немус» компанияси инвестициялари ҳисобига қурилган «Шаҳристон» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Европа андозалари бўйича жиҳозланган меҳмонхонада мижозлар жаҳоннинг ҳоҳлаган телеканали кўрсатувларини томоша қилишлари, Интернет тармоғидан фойдаланишлари мумкин.**

● **Нукус тумани аҳолисини 2004-2010 йилларда тўлалигича ичимлик суви билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. АҚШнинг ЮСАИД агентлиги томонидан молиялаштирилаётган ушбу дастурга мувофиқ «Нукус» ва Каттиага» ширкат хўжаликлари аҳолисига ичимлик сувини етказиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.**

● **Избосканлик пахтакорлар Фарғона водийсидаги туманлар ўртасида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномаси режасини бажардилар. Қабул пунктларига 28.635 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди.**

● **Тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Наманган вилояти туманларида Республика мол-хом ашё биржасининг ихтисослашган савдо майдончалари очилди. Куни кеча Мингбулоқ ва Поп туманларида шундай майдонлар фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

● **Европа Иттифоқи Парламент ассамблеяси терроризмга қарши кураш бўйича резолюция қабул қилди.**

● **Эртага Афғонистонда мамлакат тарихида илк бор Президент сайлови бўлиб ўтади. 18 та номзод давлат раҳбарлиги учун кураш олиб бормоқда.**

● **Судан жанубида АН-12 самолёти ҳалокатга учраши натижасида тўрт нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ушбу самолёт Россияга тегишлидир.**

● **Япониянинг Токио ва Канто ҳудудларида Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллик зилзила бўлди. Хабарларга кўра курбонлар ва жиддий вайронагарчиликлар йўқ.**

## ПАРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ

**Париж мэриясининг Тантаналар залида мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишлаб Ўзбекистон халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Унинг экспонатларини Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари ва республикамиз вилоятларидаги халқ усталарининг ишлари ташкил қилди.**

Кўргазмани Франция собиқ транспорт ва коммуникациялар вазири, ҳозир Парижнинг 11-райони мэри Жорж Сарре очди. У Франция пойтахтида ўзбек кўргазмасининг ўтказилиши рамзий маъно касб этганига эътибор қаратиб, «Франция раҳбарияти каби дунёвий сиёсат юритаётган Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ мамлакатда динлараро ва элатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда», деди. У, шунингдек, қуйидагиларни таъкидлади: «Декабрда ўтказилажак парламент сайловлари Президент Ислом Каримов белгилаган кучли давлатчиликдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича аниқ йўлнинг амалга ошаётганидан далолат беради».

Франция пойтахти 11-райони мэрининг ўринбосари Анна Бранди парижликларнинг кўргазмага қизиқиши катталигини қайд этди: «Унга ташриф буюрган, ўзингизни Ғарб ва Шарқни боғлаган Буюк ипак йўли маркази — Самарқандда юргандек ҳис қиласиз. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳунармандчиликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эса таҳсинга сазовордир».

Кўргазма доирасида ўзбек санъати ихлосмандлари Дидие Лабуш ва Сержио Коззи томонидан француз тилида нашр этилган «Ўзбекистон Ипак йўли марказида» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг тарихи, маданияти ва аньаналари ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Кўргазмага ташриф буюрган кўплаб кишилар Ўзбекистон амалий санъатининг серқирралиги ва бетакрор анъаналарга эгалигини эътироф этишди. Масалан, «SFEC» компанияси бош директори Алан Шират мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаол ривож топаётгани, бу борада қатор муҳим қонунлар қабул қилинганини мамнуният билан қайд этди.

— Яқинда Ўзбекистонда бўлдим, — дейди «ICAM» компанияси ходими Денис Барас «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюда. — Мен ушбу кўргазмани ташкил этган мамлакат элчихонасига ва Париж мэриясига миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Экспонатларни томоша қилиб, мен хаёлан Ўзбекистонга қайтгандек бўлдим. Биз Францияда бундай кўргазмаларнинг тез-тез ўтказиб турилишини истаймиз. Шу маънода Парижда Ўзбекистон Маданият маркази очилса айни муддао бўлур эди.

**«Жаҳон» АА.**

## ВИРТУАЛ КУТУБХОНА

**Республикамизда кейинги 12 йил давомида ҳимоя қилинган илмий ишларнинг асосий натижалари билан танишиш учун энди махсус кутубхона фондларига мурожаат қилмаса ҳам бўлади. Бундан буён мамлакатнинг энг чекка жойида туриб барча зарур маълумотларни олиш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида илмий ишларнинг электрон фонди, аннотациялар, илмий янгиликлар ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосаларнинг маълумотлар базаси ташкил этилди. Электрон кутубхонадан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини тегишли дастурий комплекс таъминлайди. Компьютер фанлар, мутахассисликлар ва номлар бўйича зарур илмий ишларни ўзи излаб топади. Яқинда Олий аттестация комиссияси мутахассислари янги дастурий маҳсулот учун Давлат патент идорасидан муаллифлик гувоҳномасини олди.

Экспертларнинг фикрича, илмий ишларнинг тобора бойиб бораётган электрон кутубхонаси фан ва техника соҳасидаги янги ютуқлар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни анча енгиллаштиради.

Бу олимлар, аспирантлар ва талабаларга катта ёрдам беради. Шунингдек, кутубхона педагогик кадрларга маърузалар тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда ҳам қўл келади. Бундан ташқари виртуал кутубхона ҳимояга қилинаётган янги илмий ишлар экспертизасини тезлаштириш имконини беради.

Ҳозир янгилик масофавий алоқа ўрнатилган икки вилоят олий ўқув юрти — Гулистон давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтида синовдан ўтказилмоқда. Келгусида республикамиздаги барча илмий муассасалар ва олий ўқув юртлар илмий ишларнинг электрон фондидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга сўнгги ўн йилда МДҲ давлатларида ҳимоя қилинган илмий ишлар бўйича ҳам ана шундай маълумотлар базаси шакллантирила бошланди.

**ЎзА**

## ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Конференциядаги муҳокамада халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар сайлов кампаниясини ўтказиш стратегияси ва тактикаси ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, «қора технологиялар»ни қўллашнинг олдини олиш юзасидан ўзбекистонлик мутахассислар билан фикр алмашмоқдалар. Турли мамлакатларда сайлов кампанияларини ёритишнинг ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатларини таққослаш, сиёсий маркетинг ва рекламани ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Фикрет Акчуранинг қайд этишича, сайловларни ўтказиш — демократиянинг асосий омилларидандир. Собиқ шўро ҳудудидаги барча мамлакатларда ҳозир бошқарувнинг демократик шаклларига ўтиш жараёни кечмоқда. Бироқ бунинг учун ягона модель йўқ. Ҳар бир давлат янги жамият қуришда ўз йўлини танлайди. Бу жараён узоқ ва жуда масъулиятли бўлгани сабабли босқичма-босқич амалга оширилиши ва тегишли қонунчилик билан асосланган бўлиши, демократия кундалик ҳаётга кириб боришини таъминлашга ёрдам бериши лозим. Бу асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий маданиятнинг бетакрорлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Бўлғуси сайловлар — Ўзбекистон ҳаётида муҳим босқич. Айнан оммавий ахборот воситалари уларнинг транспарентлигини, жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлайди.

— Европа Иттифоқи Комиссиясининг (ЕИК) ТАСИС дастури 12 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият юритмоқда. У икки йўналиш — бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократия ўрнатишда ёрдам бермоқда,— деди конференцияда ЕИКнинг Ўзбекистондаги Европа уйи раҳбари Питер Реддиш. Узоқ муддатли дастурлардан бири қонунчиликни халқаро меъёрларга уйғунлаштиришга бағишланган эди. ТАСИС мутахассислари билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузурида нуфузли ахборот маркази ташкил этилди, парламент сайти очилди. Ҳозир бу лойиҳанинг иккинчи босқичи бошланди. Унинг вазифаси — аҳоли ва сайлов қатнашчиларини тегишли қонунчилик, сайлов кампаниясини ўтказишнинг янги шартлари, бу соҳадаги халқаро стандартлар билан янада кенгроқ таништиришдир.

— Бундай мунозараларнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг демократик сайловлар ўтказишдаги ютуқларини баҳолаш имконини беради, — деди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси сиёсий маслаҳатчиси Мари Карин фон Гумппенберг. Жаҳоннинг геосиёсий харитаси ўзгаргач, демократия йўлини танлаган мамлакатларда бундай жараёнларни кузатиш учун халқаро кузатувчилар институтини ташкил этиш зарурати пайдо бўлди. Бугун ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари 100 дан ортиқ мамлакатда сайловларнинг боришини кузатмоқда. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилган. Сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситалари кенг иштирок этишини таъминлаш, сайлов кампаниясининг бориши тўғрисида кўпроқ ахборот бериш борасида анча ишлар қилинмоқда. Сайловларни ёритиш бўйича қатор тренинглар ташкил этилди, журналистларга эксперт ёрдами кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, ижобий силжишлар яққол кўзга ташланмоқда.

— Мен илгари ҳам Ўзбекистонда бўлганман, — деди БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий маслаҳатчиси Рейн Мюллерсон.— Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятга эга бой мамлакат. Сиёсий ҳокимият сайланадиган бу юртда инсоннинг асосий ҳуқуқлари таъминланган.

Сайловлар — ҳақиқий демократия мактаби. Бугунги кунда кўпгина мамлакатлар ижтимоий-сиёсий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидан бормоқда. Бу узоқ ва узлуксиз жараёндир.

Ўзбекистон ўз моделини яратмоқда ва у табиийки, мунтазам такомиллашиб бораверади. Ғарб мамлакатларида демократиянинг кўп йиллик тажрибаси тўпланган ва у Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин. Ўз навбатида, Ғарб Ўзбекистондан ўрганадиган жиҳатлар ҳам кам эмас. Айнан ана шундай ҳамкорликда демократик, эркин дунёнинг янги қиёфаси яратилади.

Конференция секция мажлисларида давом этмоқда. Уларнинг мавзулари — «Демократик сайловлар, сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари», «Сайлов технологиялари: имкониятлар, муаммолар ва истиқболлар», «Оммавий ахборот воситаларида сайловларни ёритиш». Конференция очиқ мулоқот руҳида ўтмоқда.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## "ЯНГИ БЕРЛИННИНГ ЭЛЛИКТА ЛОЙИҲАСИ"

**Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш таълимининг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент Ахитектура ва қурилиш институти ҳамда Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида "Янги Берлиннинг элликта лойиҳаси" мавзуида кўргазма очилди.**

Ушбу кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакатимиздаги соҳа мутахассисларини замонавий немис меъморчилик намуналари билан таништиришдан иборат.

Институт хориждаги қатор нуфузли таълим муассасалари, фирма ва кампаниялар билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ўтган асрнинг 90-йилларида ягона Германия давлати ташкил топиши натижасида Берлин шаҳрининг меъморий қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишларида дунёнинг етакчи меъмор ва қурувчилари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар намойиш этилаётган ушбу иншоотлар лойиҳалари энг замонавий меъморий ечимлардан фойдаланган ҳолда яратилганлиги билан томошабинлар эътиборини тортмоқда. Бундай тадбирлар нафақат ёш мутахассисларни тайёрлашда, балки ўзаро тажриба алмашишда ҳам қўл келиши таъкидланди. Кўргазма декабрь ойига қадар давом этади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**





*Ободонлаштириш*

## КУЗГИ ИШЛАР АВЖИДА

**Айни пайтда Ҳамза туманидаги кўча-куйларнинг доимо саранжом-сариштa ва қишин-ёзин гулларга бурканиб туришини таъминлаш мақсадида йўл бўйидаги дов-дарахтларга шакл бериш қизғин паллага кирди.**

Йўллар асфальтланиб, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Ёз мавсумида яшнаб турадиган гуллар ўрни қишда очиладиган турлари билан алмаштирилмоқда. Айниқса, бу ишлар туманнинг Й.Охунбобоев, Мусахонов, Фарғона йўли, Қаюмов, Шаҳрисабз сингари қатор марказий кўчаларида авж палласида. Бунинг учун 250 нафарга яқин ишчи-хизматчи ҳамда етарли техника ажратилган.

Айни чоғда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан шу кунгача салкам 9200 квадрат метр асфальт ётқизилди. 83 минг погон метр ирригация тармоқлари, 4500 погон метр кўприк қувурлари тозаланди. Аҳоли ва ташкилотлардан келган шикоятлар асосида режалар белгилаб олинди.

Айниқса, кузги ободонлаштириш ишларини бекаму-кўст амалга оширишда етакчи мутахассис Собира Мирзажонова, гул кўчатлари экиш бўйича агроном Буойша Эшонқуловаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ёрқин Ғаффоровнинг таъкидлашича, кузги ишлар бу билан чегараланиб қолмайди. Хусусан, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳудуддаги 30-Меҳрибонлик уйи, «Нуроний» соғломлаштириш санаторийси ва кўзи ожизлар мактаб-интернатларининг ҳовлилари ён атрофлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Дарахтлар барги, шох-шаббалардан тозаланиб, янгича шакл берилмоқда.

Куз келиши билан хазонрезги бошланганлиги туфайли кўчалар, хиёбонлар барглардан тозаланиб, махсус ажратилган чуқурларга олиб бориб тўкилмоқда. Ўйлаймизки, олиб борилаётган бундай ишлар кўчаларимиз сариштaлигига, атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилади.

**Усмон АЗИЗОВ**

**СУРАТЛАРДА: (чапдан биринчи) бош муҳандис Абдулаким Аширов ишчилар билан келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда; туманнинг Фарғона йўли кўчасида ишлар қизғин.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳакимларнинг айтишича, шижоат ва саховат ва хушфеъллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармоясидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоат аҳён-аҳёнда ишга тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг уддасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтади. Қитъа:

**Абадий саодатнинг**
**калити хушфеълликдир,**
**Аммо унга баъзилар**
**муяссар эрмас!**

● ҲИКОЯТ. Нўъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмагўй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нўъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабида сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

**Бошида ақли**
**кам бўлса кишининг,**
**Тилида сўзи кўп**
**бўлади, дилдор!**

● Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғалишмасди. Мезбон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очишмади. Шунда у уй эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

«Ҳозир, ҳозир туришяпти!» деди.

● Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга тушди:

— Нега йиғлаяпсан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан еяолмаяпман, — деди бола.

— Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку, қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

*Ўзбекистон хориж матбуоти нигоҳида*

## РИГА-НЬЮ-ЙОРК: БЕВОСИТА ПАРВОЗ

Латвиянинг «Час» газетаси «Рига — Нью-Йорк: бевосита парвоз» мақоласида Латвия ҳукумати ташаббуси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси Тошкент — Рига — Нью-Йорк йўналиши бўйича парвозларни йўлга қўйилганини хабар қилади.

Мақола муаллифи Елена Титова бу мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривож топтиришда навбатдаги муҳим қадам бўлганини таъкидлайди.

## АРАБ ЖУРНАЛИСТИ ЭЪТИРОФИ

Саудия Арабистонида нашр этиладиган «Arab news» газетасида «Ўзбекистон ислоҳотлар ва узоқни кўзланган сиёсат эвазига тезкор ривожланмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда муаллиф К.Рамкумар қуйидагиларни эътироф этади: «Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатнинг кўплаб ташаббусларидан бири сифатида БМТ Хавфсизлик кенгаши шафелигида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ғоясини келтириш мумкин. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатаяпти».

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий сиёсати иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари ва янги технологияларни қўллаш, экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилгани таъкидланади.

## «МИНГ БИР КЕЧА» ЭРТАГИ МАМЛАКАТИДА

Германиянинг «Шпигель» журнали ана шундай номда мақола эълон қилди. Унда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг сайёҳлик салоҳияти ёритилган.

Журналист Бэрбель Швертфегер Амир Темур даври усталарининг ажойиб ва такрорланмас меъморий обидаларига таъриф беради. Шу билан бирга муаллиф Германиянинг «Lernidee Reisen» сайёҳлик фирмаси томонидан уюштирилаётган саёҳатлар қатнашчиларини замонавий меҳмонхоналар ва мазкур афсонавий шаҳарлар аҳолисининг меҳмондўстлиги кутаётганини қайд этади.

**«Жаҳон» АА**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ

Бу ҳақда бир неча бор чиқиш қилдик. Лекин афсуски, гап эгасини топмади. Бу ерда сўз яна мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан аталувчи санъат саройи ҳақида бормоқда.

Ўтган дам олиш кунларидан бирида телевизорда ҳар куни тўрт-беш марталаб реклама қилинадиган «Хавфли бурилиш» кинофильмини томоша қилгани бордик. Автобусдан тушиб сарой томон юришимиз билан кўзимиз шундоққина оёғимиз остида ётган турли чиқиндиларга тушиб, ранжидик. Шунда дўстларимиздан бири: «Балки ҳали эртароқ бўлгани учун фаррошлар иш бошламагандир», деб қолди. Яна биримиз: «Соат ўн бир бўлса ҳам фаррошлар уйғонмайдими, бу ерга умуман фаррош бириктирилмаган кўринади», деган гапни айтди.

Иккинчи дўстимизнинг сўзига қўшилдик. Чунки бу кўриб турганимиз бир кунлик аҳволга ўхшамасди. Бу ерда нималар йўқ дейсиз. Писта пўчоғидан тортиб, қоғоз парчасигача, елим идишлардан тортиб, ароқ шишасигача ерда думалаб ётибди.

Саройга яқинлашгани сари ҳаяжонимиз ортиб бораверди. Ўртадаги фавворада кўлмак сув тўпланиб қолган, унинг юзини чанг-тўзон босган, турли-туман чиқиндилар сув юзида қалқиб юрибди. Бир вақтлар яхши ниятлар билан бунёд этилган бу фаввора атрофи томошабинлар билан гавжум бўларди, унинг шўх шаршарасидан дилингиз равшан тортарди. Ҳозир эса бунинг акси. Хуллас, шундай тушкун кайфиятда кассага етиб келдик.

— Чипта баҳоси неча пул? — сўраймиз сотувчидан.

— Киши бошига минг сўмдан.

— Мунча қиммат?

— Мутасаддилардан сўранг, баҳони биз белгиламаймиз.

— Арзонроқ чиптангиз борми?

— Йўқ. Ҳаммасининг баҳоси бир.

Тўртта чипта олиб сарой ичкарисига кирдик. Кинозал эшиги берк бўлгани учун фойеда бемалол суҳбат қуриб ўтирдик. Эшик очилиши билан тумонат одам ур-йиқит қилиб ўзини ичкарига урди. Чиптаси қўлида бўлса, нега мунча ичкарига интилади одамлар, — деган хаёлда жойимизни аниқлаш учун чиптага қарасак унда жой рақами кўрсатилмаган, ҳар ким хоҳлаган ўриндиққа ўтириши мумкин экан. Ичкарига ошиқиб киришнинг сабабини шунда билдик. Ахир тайёр чиптага жой рақамини белгилаш наҳотки шунчалик қийин бўлса? Бунинг устига кинозалдаги нотинчликни айтинг. Кино тугагунча ёш-яланглар шовқин-сурон билан у жойдан бу жойга кўчиб юришди. Шундай катта даргоҳда тинчликни сақлаш учун биронта масъул киши ажратилмаганлиги бизни таажжубга солди. Хуллас хаёлимизда пайдо бўлган шу каби саволларга сарой мутасаддилари нима деб жавоб беришаркин? Биз эса таъбир жоиз бўлса саройнинг бугунги аҳволи ва унинг ҳудудидаги тартибсизликларни чангда қолган гулга ўхшатдик.

## ХАЙРЛИ ЎТГАН КЕЧА

Ёзги таътилни унумли ўтказиш мақсадида дўстим Ибодулла билан Фарғона сафарига отландик. Саёҳатга дўстимнинг:

— Водийда бирга ишлаган қадрдонларим кўп. Ҳар кўришганимизда «Бизнинг эшикка қачон борасизлар» деб жон-ҳолимга қўйишмайди. Дийдор баҳона уч-тўрт кун дам олиб қайтамиз, деган гапи баҳона бўлди.

Орадан икки кун ўтиб Ибодулланинг «Тико»сида кечки пайт йўлга чиқдик. Қамчиқ довонидан ўтганимиздан кейин оқшом чўкиб, атрофга тун пардасини ёя бошлади.

— Бироз юрсак йўл юзида бир яхши чойхона бор. Ўша жойда тўхтаб, ҳордиқ чиқарамиз, — деди дўстим.

Манзилга етиб келиб машинани бир четда тўхтатдик. Мўъжазгина, шаршара яқинига қўйилган сўлим каравотдан жой олдик. Чойхоначи ўрта ёшлардаги киши атрофимизда парвона, нима десак шуни муҳайё қилиб турди.

— Менга қара, жуда чарчадик. Бунинг устига хушманзара жой экан. Қиттак-қиттак қилмаймизми?— таклиф киритди Ибодулла.

— Кейин қандай йўлга чиқамиз?

— Кўрамиз. Жа бўлмаса, шу ерда тунаб қолаверамизда.

Бошланди. Суҳбат қизиб яримтани бўшатдик.

— Бўлар иш бўлди. Яна юзта-юзта қиламиз, — деди Ибодулла иштаҳаси очилиб.

Иккинчи шишадан кейин иккаламизни баравар уйқу тортиб, ўтирган еримизда чўзилдик.

— Туринглар меҳмонлар, — деди чойхоначи янги кўрпача-ёстиқ келтириб. — Мана буни тагларингизга солиб берай.

Кераги йўқ дейишимизга қарамай у зўрлаб бизни турғазди. Яхшилаб жой қилиб берди.

—Ана энди бемалол ётаверинглар. Мабодо пулларингиз бўлса менга бериб қўйинглар. Ҳар қалай йўл юзи, яхши-ёмон бор.

— Сизни безовта қилишга ҳожат йўқ. Жамғармамиз озгина. Уни мана бу ёстиқ тагига қўйсак тураверади, — Ибодулла шундай дея ҳамённи ёстиқ тагига тиқди. Ичкиликнинг таъсирими ёки тоғ ҳавосининг мусаффолигими, ҳарқалай қотиб ухлабмиз.

Этим жунжикиб кўзимни очсам қуёш ётоғидан бош кўтариб қолибди. Теварак-атроф одамлар билан аллақачон гавжум эди. Ибодуллани уйғотдим. Ювиндик, кийиниб ёстиқнинг тагига қарасак, ҳамёнимиз йўқ. Бу воқеани узоқдан кузатиб турган чойхоначи жилмайиб ёнимизга келди.

— Ташвишланманглар меҳмонлар, ҳамёнингиз менда.

Унинг айтишича, кечаси биздан бироз нарида ўтирган йигитлар ҳаракатимизни кузатиб туришган экан. Уйқуга кирганимиздан сўнг атрофимизда айланишиб қолишибди. Чойхоначи уларнинг ниятини фаҳмлаб тепамизга келибдида, шартта ёстиқни кўтариб, унинг тагидан ҳамённи олиб, чўнтагига солиб қўйибди.

—Булар меҳмонлар, уят бўлади йигитлар, — дебди уларга «Бўлди энди жўнанглар», дегандек қилиб.

— Санаб олинглар омонатни, — дейди у қўйнидаги ҳамённи бизга тутқазар экан. Чойхоначи Ибодуллани қўярда-қўймай жамғармамизни санашга мажбур этди. Ҳаммаси жойида. Кейин Ибодулла бешта минг сўмликни чиқариб чойхоначига тутди.

—Буниси сизга суюнчи.

Чойхоначи олмади. Икковлашиб астойдил зўрладик.

—Агар шундай қилсаларингиз хафа бўламан, — деди у биз билан хайрлаша туриб. — Сафарингиз бехатар бўлсин йигитлар. Қайтишда шу ерда Йўлчи ака деган биродаримиз бор эди деб, бир қўниб ўтсанглар ана шунинг ўзи менга мингта суюнчидан афзал.

— Биринчи кечамиз хайрли ўтдими, билингки, буёғи янада яхши бўлади. Ҳали олдинда бизни қандай учрашувлар кутаётган экан, — деди Ибодулла менга мамнунлик билан тикилиб:

Йигитлар айтиб берган бу воқеа узоқ вақт хаёлимдан кетмади. Ниҳоят уни анча-мунча ибратга мойиллигини ҳисобга олиб шундайлигича оқ қоғозга туширдикда, сиз азиз газетхонларга ҳавола этдик.

## ШИРИН СЎЗ — ЖОН МАЛҲАМИ

Истеъдодли шифокорлар ҳамиша мана шу сўзга амал қилишади. Калондимоғ, манман, ўзини ҳаммадан устун қўювчи, дардмандлар билан қўпол муомалада бўлувчи шифокорлардан яратганнинг ўзи асрасин. Шифо истаб уларнинг қўлига тушиб қолсанг, қанча дори-дармон истеъмол қилганинг билан яхши наф тополмайсан. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўксиган кўнгилга ҳар қандай дорининг ҳам унчалик таъсири бўлмайди. Кўпдан бери эл оғзида юрадиган бир ҳикоят бор. Унинг қисқача мазмуни шундай: шифокорнинг ширин сўзи бемор учун ҳар қандай дори-дармондан афзал, унинг ширинсуханлик билан берган оддий сувидан бемор шифо топиб тезда оёққа туриб кетиши мумкин экан.

Мана шунга ўхшаш яна бир ривоят. Нақл қилишларича, Абу Али ибн Синонинг шогирдларидан бири тўшакда оғир дарддан иситмалаб тобора кўзи нурсизланиб бораётган бир беморга муолажа қилиб турар экан. Беморнинг аҳволи ниҳоятда танг, тез-тез алаҳсирар, ҳолдан тойган кишидек чуқур-чуқур нафас оларди. Шогирд беморнинг бу аҳволини кўриб нима қиларини билмай қолди. У ибн Синога бу ҳақда хабар юбориб устознинг тезроқ келишини сабрсизлик билан кутди.

Орадан бироз ўтгач беморнинг укаси ичкаридан югуриб чиқди.

— Акам ҳеч нима билмаяпти, оёқлари муздек...

Буни эшитиб шогирд қўрқиб кетди. Лекин у тезда ўзини қўлга олдида вазмин овозда деди:

— Сиз бемор олдида бундай ҳолда ўтирманг. Ахир бу тушкун кайфиятингиз беморга эмас, ҳатто менга ҳам таъсир қиляпти. Бемор кишининг руҳини кўтариб туриш керак. Бояги берган дорини ибн Сино бемор тановул этгач, оз-моз безовталаниши мумкин девдилар. Демак, малҳам тандаги хасталикни безовта қилмоқда. Билингки, бу ҳол яхшилик аломатидир.

Шогирд беморнинг укаси билан уйга кириб дардмандга ширин сўзлар айтиб, унинг тезда оёққа туриб кетажаклигини билдирди. Кейин унга бояги малҳамдан яна ичирди. Бемор анча ўзига келиб кўзини очди. Шу пайт ибн Сино келиб, шогирдидан сўрабди.

— Нима чора кўрдингиз?

— Ҳеч нима. Фақат қўлимда бор бўлган иссиқни туширувчи малҳамдан ичириб, ботма-бот ширин сўз айтиб турдим.

Ибн Сино шогирдининг бу гапидан хурсанд бўлиб дебди:

— Сиз жуда тўғри иш қилибсиз. Сўз — малҳам. У баъзида ҳар қандай дори-дармондан устун туради. Бемор малҳамингиздан кўра, сизнинг ширин сўзингиздан даво топибди.

Ўшандан бери шифокорлар орасида «Ширин сўз — жон малҳами» деган гап қолган экан.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Менинг икки фарзандим бор. Алоҳида ҳовли қилиб чиқиб кетишган. Бир йил бўлди хотиним вафот этганига. Бир ўзим яккаланиб ёрдамга муҳтож бўлиб қолдим. Фарзандларим эса мендан хабар ҳам олишмайди. Улардан моддий таъминот олишга ҳуқуқим борми?**

**У.Сайдалиев, пенсионер.**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

* * *

**Эримнинг никоҳимиз давомида ҳадя ва мерос тариқасида олган мол-мулки умумий ҳисобланадими?**

**Жавлона Ҳимматова, уй бекаси.**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасига кўра «Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёҳуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкининг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш) қўйилгани аниқланса, уларнинг биргаликдаги мол-мулки ҳисобланади.

* * *

**Саримсоқ пиёзнинг фойдали хусусиятлари ҳақида яхши биламиз. Лекин унинг юз терисига, кишини безовта қилувчи ҳуснбузарларга ҳам жуда яхши даво эканини эшитиб қолдик. Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**Моҳигул ва Мастура Рустамова, талабалар**

Қадимдан Хитойда тананинг тилинган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофаза этиш хусусияти кучли.

Саримсоқ пиёздан балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг ҳуснбузарларини йўқотишда ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун ҳуснбузар чиқа бошлаши биланоқ унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб қўйиш керак. Саримсоқ пиёз суви суртилган ҳуснбузарлар тезда қуриб йўқолади.





*Таълим масканларида*

# ЗАМОНАВИЙ АНЖОМЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН

**Пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида яқинда карнай-сурнай садолари ва куй-қўшиқлар жарангидан барчанинг кайфияти чоғ бўлди. Бу коллеж тарихида алоҳида санадир. Негаки айнан шу кун Тошкент педагогика коллежи янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Барчанинг юзида табассум, айниқса, ўқувчиларнинг. Тадбирда коллеж директори Дилором Раҳимова сўзга чиқибйиғилганларни қутлаган ҳолда жумладан шундай деди: — Ҳурматли ўқитувчилар ва азиз ўқувчилар! Бу кун сизу биз учун тарихий воқеа бўлиб қолади. Чунки, Президентимизнинг ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлиб етишишлари йўлидаги ғамхўрликлари эвазига сиз билан биз янги ўқув йилини замон талаби даражасида таъмирланган, янги ўқув анжомлари билан жиҳозланган ўқув биносида бошладик. Бу бизга янада куч ва ғайрат бағишлайди.

Ўқув биносини бунёд этишда «Турон марказ» қурилиш корхонасининг меҳнатлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир.

Юнус Ражабий номидаги мазкур коллежда бугунги кунда 710 та талаба таълим олмоқда. Уларга 130 нафар малакали ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқдалар.

— Коллежимизда жисмоний тарбия, мусиқа, мактабгача таълим ва тарбия факультетлари мавжуд — дейди биз билан суҳбатда маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Холида Пирназарова. — Шунингдек, компьютер, лингафон хоналари спорт зали, ошхона ва ҳар хил тўгараклар ўқувчилар хизматида.

Ҳа, ўқитувчиларимиз бугунги кунда энг масъул вазифани адо этмоқдалар. Бу олижаноб ва шарафли касб эгалари ёшларни Ватанга садоқат, юксак маданиятли, ахлоқли, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбияламоқдалар.

Ушбу янги ўқув биноси ўқитувчилар ва мураббийлар байрамида ўқитувчилар ва ўқувчиларга ажойиб совға бўлди. Гўзал, шинам ва замонавий жиҳозлар билан безатилган хоналарда сабоқ бериш ҳам, билим олиш ҳам мароқлидир. Шундай янги биноларда замонавий техник воситалар орқали таълим олувчи оқил ва доно ёшларимиз сафи кенгаяверсин. Зеро, келажак остонадан бошланади. Қутлуғ бу даргоҳнинг остонаси файзли ва нурли бўлсин. Илму-урфон зиёси машъала каби борлиқни мунаввар этаверсин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Педагогика коллежи янги биносининг очилиши маросимидан лавҳалар.**

**Абдуазиз Аширметов олган суратлар.**



# БАДИИЙ ТАЪЛИМ ЮКСАЛИШДА

**Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида мамлакатимизда олий тасвирий санъат таълимининг ривожига бағишланган кўргазма очилди.**

Юртимизда олий бадиий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши бундан ярим аср муқаддам ташкил этилган Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолияти билан боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримов Фармонига мувофиқ 1997 йили мазкур институтнинг рассомлик факультети негизида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ташкил этилиши бадиий таълим ривожини янги, юксак босқичга кўтарди. Эндиликда унда тасвирий санъатнинг кўплаб соҳалари билан бирга саноат ва либослар дизайни, мебелларни лойиҳалаш, архитектура ёдгорликларини ва бадиий асарларни таъмирлаш каби янги йўналишлар бўйича ҳам малакали мутахассислар тайёрланаётир.

Мингга яқин талаба билим олаётган мазкур ўқув даргоҳи Япония, Жанубий Корея, Германия, Италия, Миср каби давлатлардаги нуфузли университет ва бадиий галереялар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўргазмада Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти собиқ талабаларининг энг яхши диплом ишлари намойиш этилаётир.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

*Маънавият*

# ИЖОДИЙ МЕРОС ТАДҚИҚИ

**Ўзбек маърифатпарвар олимлари ичида профессор Абдулла Авлоний ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутади. Бутун умрини илм-фан ривожи йўлида бахшида қилган Абдулла Авлоний таниқли адиб ва шоир сифатида ҳам яхши танилган.**

Унинг ўзбек болалар адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси ҳам эътиборлидир. Хусусан, XX аср бошлари ўзбек болалар адабиётининг майдонга келишидаги унинг фаоллиги ҳам тадқиқ қилинган.

Шу ўринда «Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди» деб номланган тўпламни мисол қилиб ўтиш мумкин.

Истеъдодли адабиётшунос олим Раҳматилла Баракаевнинг самарали изланиши натижаси ўлароқ ёзилган бу тўпламда А.Авлонийнинг «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони» каби китоблари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Ушбу тўпламни «Фан» нашриёти яқинда чоп этди.

**Акбар АЛИЕВ**

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг республика хизмат итлари клуби томонидан ҳар йили икки марта зотли итлар кўргазмаси ташкил этилади. Унда нафақат бутун Республикамиз вилоятлари, балки МДҲ мамлакатларидан ҳам кўплаб қатнашчилар иштирок этади.**

*Кўргазмалар*

# ЎЗИГА ХОС КЎРИК

«Метроқурувчи» теннис клуби майдонида бўлиб ўтган навбатдаги кўргазма етмишинчи бор ташкил этилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Бу галги барча турдаги итларнинг «Тошкент—2004» миллий сертификат кўргазмасида 45 турга мансуб 300 дан ортиқ итлар жамланди. Қатнашчилар ёши эса 4 ойдан тортиб 7 ёшдан ошиққача бўлди.

Ўзбекистон ва россиялик халқаро тоифадаги етакчи экспертлар очиқ класс, шунингдек, учта ёш тоифасига мансуб классдаги итларнинг сертификациясини амалга оширишди.

Танлов элакларидан ўтган 45 та ит финал босқичига етиб келди. Улар орасидан кўргазма ҳакамлар ҳайъати учта ёш тоифасига мансуб энг яхши итлар ва умуман, кўргазманинг энг яхши қатнашчисини танлади.

Энг ёш кучуклар ўртасида Экс-Флэш Фокс Фокус-Покус лақабли колли шотланд овчаркаси зотига мансуб ит (ўргатувчиси О. Набакова) ғолиб чиқди. Ўсмирлар синфида Хон лақабли ўрта Осиё овчаркаси (эгаси С.Хегай) биринчи ўринни эгаллади. Кекса итлар баҳсида ғалаба ротвейлер зотли Себастьян (эгаси Р.Содиқов)га насиб этди.

Кўргазманинг бош танлови «Бест ин шоу» йўналиши бўйича ғолибликни Орл-Рокки-Баст-Шей лақабли ротвейлер зотига мансуб ит (соҳиби Т.Ким) қўлга киритди.

Танловда қатнашган энг яхши итлар класс ғолиби, Ўзбекистон ёш чемпиони, Ўзбекистон чемпиони, зотнинг энг яхши вакили, кўргазмада қатнашган энг яхши ит ҳамда «Бест ин шоу» ғолиби бўлишди.

Барча итлар дипломлар, сертификатлар, медаллар ҳамда қиммат баҳо мукофотлар билан тақдирланди.

Кўргазма якунларига назар ташлар эканмиз, Республика хизмат итлари клуби Ўзбекистонда асосий кинологик марказ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● **Юнусобод туманининг 4-мавзесида жойлашган 1-уйнинг олдида қолдирилган, 11-мавзе, 25-уйнинг 40-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро И.Диновнинг «ВАЗ-2106» русумли машинаси, номаълум шахс томонидан ўғирланганлиги тўғрисида ИИБга хабар берилди.**

Ички ишлар ходимларининг шаҳар миқёсида кўрган «Тутиб олиш» махсус тадбири жараёнида ушбу чаққон ўғрининг йўли тўсилди. Ҳозирги кунда туманнинг 15-мавзесида яшовчи, ҳалол меҳнат қилишдан бўйин товлайдиганлар сирасига кирувчи Илҳом исмли ушбу йигит қилмишининг нечоғлик қонунга хилоф эканлигини англаб етган бўлса, ажабмас.

● **Жиноят оламининг турфа хил найранглару ёлғон-яшиқ қуруқ ваъдалар маҳсули натижасида ҳосил бўлгувчи фирибгарлик деб аталмиш хавфли жиноят тури «вакил»ларидан бирининг фаолиятига нуқта қўйилди.**

Тошкент вилоятининг Пскент туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Одинахон исмли бу шахс «Қўйлиқ» деҳқон бозорида жойлашган «О.А.Олмос» тилла заргарлик дўконида шу дўкон сотувчиси, Қуёш кўчаси, 52-уйда истиқомат қилувчи З.Раҳматуллаевдан нархи 69.800 сўмлик бир жуфт тилладан ясалган зиракларни олиб, тақиб кўриб, ўзига маъқул келгач эса баҳоси билан танишади ва пулим етмас экан деб, сотувчини чалғитиб, тилла зираклар ўрнига худди шунга ўхшаш, аммо бошқа оддий зиракларни алмаштириб қўяди. «Қинғир ишнинг умри қисқа», деганларидек, бу уддабурон фирибгарнинг ҳам ўйлаб топган ҳийласи тез фурсат ичида фош этилди. Бугунги кунда у қонун олдида жавоб бермоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

*Премьерадан сўнг*

# «МАРЖОНА» ФИЛЬМИ — КАТТА САҲНАДА

**Кино ва театрлар инсон ҳаёти учун маънавий озиқ берувчи маданият масканидан ҳисобланади. Шаҳримиз кинотеатрларида бугунги кунда ёшлар ҳаёти, соф севги-муҳаббат, одамийлик, меҳр-садоқат ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор қизиқарли фильмлар, саҳна асарлари санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилди.**





Яқинда Алишер Навоий номидаги санъат саройида яна бир янги «Маржона» номли бадиий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Ушбу кинотасма «Muzaffar film» студиясида яратилиб, кинорежиссёр Саид Мухторов томонидан суратга олинган.

Сценарий муаллифи Рихсивой Муҳаммаджонов, оператор Абдувоҳид Ғаниев ва катта ижодий гуруҳ тасвирий жиҳатдан бой лавҳалар орқали ўзбек киносида янгича бўлган мавзу — лўлилар ҳаётини талқин этганлар.

— «Маржона» фильми асосан севги-муҳаббат ҳақида. Севги бўлганда ҳам ҳаётда жуда кам учрайдиган эҳтиросли, жўшқин ва кучли туйғу ҳақида, — дейди кинорежиссёр Саид Мухторов.- Ўзбек йигитининг лўли қиз Маржонага бўлган соф туйғулари, қувонч ва изтиробларини инсоний кечинмаларга бой лавҳаларда акс эттиришга ҳаракат қилдик. Ушбу фильмни яратиш ғоясини кўпдан ўйлаб юргандим. Ва лўлилар ҳаёти билан яқиндан танишиб ўрганa бошладим. Ахир ниятимга етдим. Лекин фильмдан кўнглим тўлмади. Негаки, кўп воқеалар, кўп гаплар айтилмай қолди. Мақсад тўла очилмай қолган, десам бўлади. Шунга қарамай образини дебютант актриса Дилшода Ғаниева (бош қаҳрамон) — Маржона лўли қизнинг феъл-атвори, руҳиятини, изтиробларини ишонарли тарзда ифода эта олди. Яна бир қаҳрамонимиз Машраб ролини дебютант ёш актёр Фарруҳ Соипов романтик қаҳрамон сифатида қиёмига етказиб ижро этди.

Фильмда шунингдек Насриддин Рустамов, Саида Раметова, Убайдулла Бақоев, Дилбар Икромова, Алишер Ҳамроев, Саид Мухторов ва бошқалар ўзларига топширилган ролни маҳорат билан ижро этишган. Ушбу фильмда ижро этилган эҳтиросли, қувноқ ва жўшқин қўшиқлар ҳам томошабинга ўзгача завқ, хуш кайфият улашади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Маржона» фильмидан лавҳалар.**

*Бўш вақтингизда*

# «А» ҲАРФЛИ КРОССВОРД



**Диагоналлар бўйича ўнгга:** 1. Олий лига футбол командаси. 2. Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 3. Ҳаво транспорти. 4. Шифобахш ширинлик. 5. Сўз санъати. 6. Тожмаҳал яқинидаги шаҳар. 7. Ер куррасининг шимолий ҳудуди. 8. Оптика соҳасида фаолият кўрсатган немис физиги. 9. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 10. Қўшалоқ шох. 11. Ҳуқуқий маслаҳат мутахассиси. 12. Асосан Кавказда яшовчи миллат. 13. «Маҳаллада дув-дув гап» фильми режиссёри. 14. Эркак исми. 15. Моҳир гимнастикачи, цирк артисти. 16. Газ модда.

**Диагоналлар бўйича чапга:** 1. Вазифани ўз-ўзидан адо этувчи қурилма. 2. Электрод. 3. Термиз яқинидаги шаҳар харобаси. 4. Нарсанинг таянч қисми. 5. «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асарини ёзиб қолдирган ўзбек адиби, олим. 6. Саида Зуннунова достони. 7. Кундалик тажриба. 8. Қадимда қўлланилган ҳисоблаш тахтачаси. 9. Ғарбий ярим шар. 10. Қирлик ер. 11. Қора лок билан ишланган ялтироқ тери. 12. Денгизга номдош Ростов вилояти шаҳри. 13. Бир неча машиналардан иборат қурилма. 14. Ўрта асрларда асарлар ёзиб қолдирилган тил. 15. Алишер Навоий сиймосини гавдалантирган актёр. 16. Ижод маҳсули.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқарувчи кўп йиллик ўсимлик — 11,3,4,3,6,2.

2. Қувонч, шодлик — 10,3,7,8.

3. Тикувчилик асбоби — 1,9,5,3.

Энди очқич жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Ёйлар бўйича:** 1. Калуга. 4. Богота. 5. Педагогика. 6. Папоротник. 25. Дипломатия. 27. Демография. 32. Аломат. 36. Мерган.

**Энига:** 7. Кафе. 9. Етти. 13. Акула. 16. Абжир. 17. Архимед. 19. Аруз. 20.Қува. 26. Хошимин. 28. Нимча. 29. Игрек. 33. Ганг. 35. Нарх.

**Бўйига:** 2. Чевар. 3. Ҳафта. 10. Олой. 11. Илик. 12. Обрў. 14. Архимед. 15. Беруний. 22. Кўча. 23. Қиём. 24. Рига. 30. Калит. 31. Аршин.

**Рақам атрофига белгиланган хонадан:** 8. Ацетилен. 18. Байдарка. 21. Мирзачўл. 34. Аргумент.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Ақл. 2. Сатин.

**Ҳикмат:** Тилни — сақла.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2680 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1109. 1 2 3 4 6